

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ ИБРАГИМ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТУТ ҚАЛАМЧАСИДАН НАВДОР
ТУТ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА БУТА ТУТЗОРЛАР
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Курбанов Ибрагим

Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан навдор тут кўчатларини етиштириш ва бута тутзорлар яратишнинг илмий асослари

Курбанов Ибрагим

Научные основы возделывания высокоурожайной мульчи и шелковицы в условиях хорезмской области

Kurbanov Ibragim

Scientific bases of cultivation of mulberry seedlings from mulberry cuttings and creation of bush mulberry plantations in the conditions of Khorezm region

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ ИБРАГИМ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТУТ ҚАЛАМЧАСИДАН НАВДОР
ТУТ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА БУТА ТУТЗОРЛАР
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.02.04 – Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx593 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ziyonet.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекккамов Чоршанби Исмаилович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исматуллаева Дилором Адилевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Жуманиёзов Мансур Шомуродович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим
Чорвачилик ва паррандачилик
илмий-тадқиқот институти

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2020 «12» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 - _ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д., профессор

М.И.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида тутнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, лекин 20 дан ортиқ мамлакатлардагина тутнинг нав ва дурагайлари кўпайтириш ва ундан ипак қуртини парваришлашда фойдаланиб келинмоқда. «...дунё бўйича Хитой Халқ Республикасида 85-90%, Ҳиндистонда 75-80 %, Японияда 98 %, Ўзбекистонда 4-5 % тут кўчатлари вегетатив йўл билан кўпайтирилиб»¹¹ навли тут кўчатлари етиштирилади. Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида янги серхосил ва тўйимлилиги юқори даражада бўлган тут навларини яратиш, уларни ҳудудларнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб кўпайтириш ишларини ташкил этиш талаб этилади. Маҳсулдорлик ва хўжалик қимматли белгилари юқори бўлган янги навлари ҳисобидан фермер хўжаликларида интенсив тутзорлар ташкил этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёнинг ипакчилик илм-фани ривожланган етакчи давлатлари илмий муассасаларида тутнинг генетик ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда *in-vitro* (молекуляр-генетика) ва пайвандлаш селекция услубиётларидан самарали фойдаланиб, тутнинг серхосил, тўйимлилиги юқори, турли иқлим шароитларига мос янги навларини яратиш ва улар асосида интенсив ҳамда бута тутзорлар ташкил этиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқ этилган селекция ишлар натижасида кимёвий таркиби ипак қуртлари боқишга мос, турли экстремал иқлим шароитларига тўғри келадиган тут навлари яратишга эришилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш, ипак қурти дурагайлари учун тўйимлилиги юқори янги тут навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, тут навларини республикамизнинг турли минтақаларида маҳаллий ер ва табиий иқлимга мослиги, илдиз олиши, навли тутларнинг унувчанлиги ва ўсиш динамикаси ҳамда олинадиган барг ҳосилдорлигига таъсир этиш механизмини тадқиқ этган ҳолда уларни жорий этиш самарадорлигини ошириш борасидаги илмий ишларни янада ривожлантириш ҳамда янги илғор технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишга етарли эътибор қаратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса, ипакчиликни ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган². Бу борада ипакчиликнинг асоси ҳисобланган тут ипак қурти озуқа базаси-тутчиликни мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда хўжалик белгилари юқори, озуқабоп ва тўйимлилиги ипак қурти парваришига мос янги тут навларини кўпайтириш ҳамда илғор илмий ишланмалар ва интенсив

¹ www.worldatlas.com

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

агротехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2856 сонли ва 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4567 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги 616-сонли қарорларида ҳамда пиллачиликка тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё ипакчилигида тутнинг *Morus alba L* нав ва селекцион тизимларига мансуб турли стресс ва қурт боқиш мавсумларига мос хўжалик белгилари юқори, ҳосилдор, озуқабоплик ва сув сақлаш хусусияти юқори бўлган мавзулардаги илмий тадқиқотлар бир қатор хорижий муаллифлар Р.Тzenov, Z.Petkov, H.S.Homidiy, S.Ponjarguen, C.Tang, J.Luo, Z.Wang, У.Шапакидзелар томонидан ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилган.

Республикамызда етиштирилаётган тут кўчатлари, асосан, генератив йўл билан эркин чангланган оналик тутзорлардан олинган тут уруғлари ҳисобидан кўпайтирилиши, янги тут навлари ва дурагайларини яратиш, барг ҳосилдорлиги, уларни экиш схемаси ҳамда ипак қурти зот ва дурагайларига таъсири борасида М.И.Гребинская, О.Пўлатов, К.Рахмонбердиев, У.Абдуллаев, Ф.Гатин, Ў.Қўчқаров, Д.И.Холматов ва Ш.Р.Умаровлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Республикамызнинг турли табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, янги тут навларини маҳаллийлаштириш ва кўпайтириш, уларни ишлаб чиқаришга босқичма-босқич жорий этиш ҳисобига вилоятларда ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети, ипакчилик ва тутчилик кафедрасида (2015-2019 й) “Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан навдор тут кўчатларини етиштириш ва бута тутзорлар яратишининг илмий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хўжалик қимматли белгилари юқори бўлган чидамли тут навларидан фойдаланган ҳолда Хоразм вилояти шароитига мос навларни танлаш, уларни қаламчасидан кўпайтириш орқали навдор кўчатларни етиштириш ва бута тутзорлар ташкил этишнинг самарали усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор тутнинг “Ўзбекистон” ва “Пионер” навларини республикамизнинг шимолий вилоятларида қаламчадан кўпайтиришнинг барг ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

экстремал шароитда навдор тут навларининг қаламчаларини биологик хусусиятларини илдиз олишига таъсири аниқланган;

янги яратилган навдор тутларнинг илдиз олишига экиш усули ва тупроқ унумдорлигининг таъсири аниқланган;

оналик тутзор новдасининг турли жойларидан ҳалқаланган новдаларини илдиз олишига мойил қисмини олиш самарали эканлиги исботланган;

экстремал шароитда қаламчадан кўчат етиштиришда тупроқ таркиби ва ҳаво ҳароратининг меъёрий кўрсаткичи аниқланган;

республикамизнинг Хоразм вилояти шароитида навдор оналик тутзорлардан қаламча тайёрлаш усули ва муддатларини белгилаш асосида навдор тут кўчатлари ва интенсив типдаги бута тутзорлар яратишнинг иқтисодий самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм вилояти шароитида тутни қаламчасидан навдор тут кўчатлари етиштириш самарадорлигини аниқлаш;

навдор оналик тутзорлардан қаламчалар тайёрлаш усули ва муддатларини аниқлаш;

қаламчадан кўпайтирилган “Ўзбекистон” ва “Пионер” навларининг барг маҳсулдорлигини аниқлаш;

шимолий вилоятлар табиий иқлим шароитида ҳалқаланган қаламчалардан навдор тут кўчатлари етиштириш ва улардан бута тутзор ташкил қилишни мақбул муддатларини аниқлаш;

экстремал шароитда навдор оналик тутзорлардан олинган қаламчаларни биологик хусусиятларини илдиз олишига таъсири аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, тутнинг *Morus alba L* турига мансуб Ўзбекистон, Пионер, Кинриу, Победа х Пионер, қиёсловчи сифатида Тожикистон уруғсиз тути навлари ва дурагайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тутни қаламча усулида кўпайтириш, тупроқнинг таркибий тузилиши, тутнинг морфологик кўрсаткичлари, барг ҳосилдорлиги, новданинг ўсиш динамикаси, илдиз олиши каби кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотда тутчиликда умум қабул қилинган агротехник қоидалар, олинган рақамларни биологик ва статистик усулларда қайта ишлаш, илмий таққослаш ҳамда “Тут дарахтини қаламчасидан кўпайтириш” услубиётидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

республикамизнинг Хоразм вилояти шароитида янги тут навларини қаламча усулида кўпайтириш ва ундан мўл ва сифатли барг ҳосили етиштириш мумкинлиги асосланган;

тутнинг янги серҳосил ва тўйимлиги юқори навларининг самарадорлиги илмий асосланиб, жанубий вилоятларга жорий этиш тавсия этилган;

дастлабки олинган натижалар асосида тутнинг истиқболли янги навлари вилоятнинг иккита туманида жорий этилган;

Ўзбекистон, Пионер, Кинриу, Победа х Пионер, Тожикистон уруғсиз навлари ва дурагайлари қаламчасидан ишлаб чиқариш шароитида тутзорлар ташкил этилиб, етиштирилган янги бута тутзорлардан юқори барг ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, барча олинган рақамли маълумотлар биогеографик ишловдан ўтказилганлиги, жорий қилиш тадбирлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар далолатномалари билан асослангани ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти иқлим шароитига мос янги тут навларини морфо-хўжалик белгилари, тупроқнинг таркибий тузилиши, тутни морфологик кўрсаткичлари, барг ҳосилдорлиги, новданинг ўсиш динамикаси, илдиз олиши каби кўрсаткичлари ўрганилганлиги ҳамда уларни қаламчадан кўпайтиришнинг барг ҳосилдорлигини оширишдаги ижобий таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Хоразм вилояти табиий иқлим шароитига мос янги наводор серҳосил тутларни қаламча усулида кўпайтириш йўли билан янги бута тутзорлар ташкил этиш имкониятини оширишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан наводор тут кўчатлари етиштириш ва бута тутзорлар яратишнинг илмий асослари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тут дарахтларининг “Пионер” ва “Ўзбекистон” навларини ҳалқаланган қаламчасидан кўпайтириш натижасида Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги “Раҳмон-Бешикчи” фермер хўжалигидаги жами 0,20 гектар майдонда ҳалқаланган қаламчалар орқали 1000 дона сифатли наводор тут кўчатлари етиштириш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 02/028-1683-сон маълумотномаси). Натижада 0,20 гектар тутзордан қўшимча 600 кг озуқабоп тут барги етиштирилганда, қўшимча даромад 1500000 сўм бўлиб, иқтисодий самарадорликни 18 фоизга оширишга эришилган;

тут дарахтининг “Пионер” ва “Ўзбекистон” навларини ҳалқаланган қаламчалари орқали кўпайтириш асосида Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги “Жавоҳирбек-Умрбек” фермер хўжалигида жами 0,30 гектар майдонда махсус бута тутзорлар барпо этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 02/028-1683-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 0,30 гектар тутзордан 2400 кг кўшимча тўйимли тут барги ҳосили олишга эришилиб, кўшимча даромад 1200000 сўмни ташкил қилган ва иқтисодий самарадорлик 22 фоизга ошган;

Хоразм вилояти Боғот “Агро-Пилла” масъулияти чекланган жамиятида балансда бўлган 0,50 гектар майдонида тутнинг серҳосил “Пионер” ва “Ўзбекистон” тут навларининг ҳалқаланган қаламчаларидан махсус озуқа берувчи бута тутзор барпо этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 июндаги 02/028-1683-сон маълумотномаси). Натижада, янги ташкил этилган бута тутзордан қиёсловчи навга нисбатан 5500 кг ёки 20 % кўп барг ҳосили олинган бўлиб, унда иқтисодий самарадорлик 2750000 сўмдан иборат бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий журналларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан, 2та республика ва 3та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи келтирилган, тадқиқотларнинг материал ва услублари ётирилган, шунингдек тадқиқотларнинг объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, нашр этиш ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Навдор тут кўчатларини вегетатив йўл билан кўпайтиришнинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида навдор тут кўчатлари етиштиришнинг илмий асослари, тут навларини вегетатив йўл билан етиштиришнинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ва навдор

тут кўчатларини етиштириш технологиялари каби маълумотлар мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчиларининг илмий изланишлари асосида таҳлил қилинган. Мавзуга доир кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон, Пионер, Кинриу, Победа х Пионер ва Тожикистон уруғсиз тути тут навлари ва дурагайлари танлаб олинган.

Тажрибаларда Хоразм вилояти шароитида тут қаламчасидан навдор тут кўчатларини етиштириш ва бута тутзорлар яратишнинг илмий асосларини чуқур ўрганилди. Бундан ташқари, тажрибаларда Қишга чидамли, Ўзбекистон, Пионер, Кинриу, Победа х Пионер, Тожикистон уруғсиз тути тут навларида ҳалқалашнинг муддатлари ва қаламча экишнинг агротехнологиялари бўйича ишлаб чиқариш услубиётларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида Республикамиз ҳудудида тут дарахтини ривожланиши учун тупроқдаги минерал ва органик ўғитларнинг таъсири, органик ўғитлар таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдорини таркибий кўрсаткичларини, барг ҳосилига ва ипак курти учун озукавийлик миқдорини ошириш ва пилланинг сифатли бўлишига эришилиши тўғрисидаги маълумотларнинг натижалари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Органик ўғитлар таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдорини таркибий кўрсаткичлари (2015-2018йй.)

№	Маҳаллий ўғитлар хили ва тури	1 тонна ўғитдаги модалар миқдори (кг)		
		N ₂ O	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	Кўй қийи	12	3,75	10,5
2	Мол гўнги	4	2,5	5
3	Йил ошган эскидан қолган тупроқлар	0,6	1,2	0,7
4	Ножас аралаш ўрадан чиққан тупроқлар	4,5	1,5	1,5
5	Ипак курти ғанаси (экскрименти)	22,5	7,5	-
6	Парранда ахлати	34	16	-

1-жадвалдаги маълумотларда тутзорларга ўғит солишда тупроқнинг хоссалари, тупроқ унумдорлиги ва тупроқдаги озик элементларга талабчанлиги эътиборга олинганлиги жадвалда ўз аксини топган. Шунингдек дарахларнинг катталашиб шох-шаббаси ва илдиз системаси ўсган сари ўғитга бўлган талаби ортади, натижада ўғитлар миқдори ва ўғит солинадиган майдон кенгайтириб борилиши кераклиги аниқланди.

Хоразм вилоятининг иқлими ва тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланганлик натижасида Ҳазорасп

туманининг иккинчи ҳудудида қаламчадан экилган новдалардан кўчатни униб чиқишини таҳлил қилганимизда назоратга нисбатан юқори кўрсаткичга эришилганлигини куйидаги 2-жадвалдан кузатишимиз мумкин.

2-жадвал

Хоразм вилоятининг иқлими ва тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланганлик натижаси (2015-2018 йй.)

№	Тут нави ва дурагайлари номи	20.06		20.07		20.08		20.09		Pd
		M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m	
1	Ўзбекистон	0,36± 0,03	0,23± 0,007	2,97± 0,19	1,22± 1,19	149± 1,81	2,84± 0,07	11,64± 1,37	4,04± 0,9	0,986
2	Пионер	0,45± 0,06	0,26± 0,08	2,86± 0,19	1,09± 1,14	12,77± 1,39	2,77± 0,04	12,35± 1,49	4,02± 0,6	0,991
3	Кинриу	0,44± 0,02	0,22± 0,04	2,37± 0,19	1,13± 0,18	13,19± 1,18	2,80± 0,08	13,00± 1,51	4,62± 1,21	0,994
4	Победа х Пионер	0,29± 0,009	0,23± 0,06	2,39± 0,19	1,17± 0,15	12,88± 1,09	2,64± 0,03	12,81± 1,32	4,16± 1,09	0,989
5	Тожикистон уруғсиз тути (киёсловчи)	0,09± 0,007	0,23± 0,05	0,97± 0,19	1,22± 0,20	7,99± 0,19	2,19± 0,01	6,42± 1,11	3,62± 0,91	-

Тадқиқотга қўйилган қаламчаларни ўсув даврида озикалантиришни самараси Хоразм вилояти шароитида етиштирилаётган кўчатлар баргларининг сифати бўйича кимёвий текшириш таҳлилини ўтказганимизда тут қаламчасини ривожланишига таъсирини билиб олишимиз мумкин.

3-жадвал

Экилган қаламчаларни ўсиши ва унувчанлик кўрсаткичларини нисбати (2015-2018 йй.)

№	Қаламчалар олинган навлар ва дурагайлари номи	Экилган қаламчалар, донга	Униб чиққан қаламчалар сони, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, донга	Унувчанлиги, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Назоратга нисбатан, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Pd
1	Ўзбекистон	100	77±1,87	77±1,81	453,0±2,94	0,992
2	Пионер	100	85±1,95	85±1,94	500,0±3,21	0,998
3	Кинриу	100	72±1,83	72±1,89	423,0±2,92	0,999
4	Победа х Пионер	100	53±1,61	53±1,74	311,0±1,14	0,989
5	Тожикистон уруғсиз тути (киёсловчи)	100	17±1,21	17±1,19	100,0±1,021	-

Ўзаро натижаларни таққослаганимизда кузатув (назорат) сифатида экилган ҳалқаланмаган тут қаламчасига нисбатан, ҳалқаланган тут

каламчасидан униб чиққан кўчатлар 4-5 марта ортиқ униб чиқишига эришилди.

Тажрибаларни кузатганимизда Пионер нави уч баробар ортиқ униб чиқди. Навлар бўйича қаламчадан тут кўчатларининг униб чиқиши ҳам ҳар хил кўрсаткичга эга бўлди. Ўзбекистон нави кечки, Пионер нави эртаги, Кинриу нави ўртача ва Победа х Пионер дурагайи кечки унувчанликка эришди. Буни қуйидаги 4-жадвалда кузатишимиз мумкин.

4-жадвал

Тажрибада экилган қаламчаларни униб чиқиш муддатлари (2015-2018 йй.)

№	Тут навлари ва дурагайлар номи	Тупроқ устида униб чиқиши (кун, ой, йил)		Баҳолаш
1	Ўзбекистон	13.05.2016	23.05.2016	ўртача
2	Пионер	12.05.2016	21.05.2016	эртаги
3	Кинриу	16.05.2016	28.05.2016	кечки
4	Победа х Пионер	18.05.2016	30.05.2016	кечки
5	Тожикистон уруғсиз тути (қиёсловчи)	20.05.2016	30.05.2016	кечки

5-жадвал

Ҳосил бўлган ёш новдаларни ривожланиш ва ўсиш динамикаси (2015-2018 йй.)

№	Тут навлари ва дурагайлар номи	Асосий новданинг ўртача узунлиги, $\bar{X} \pm S\bar{X}$, см						Pd
		25.05	25.06	25.07	25.08	25.09	25.10	
		$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	
1	Ўзбекистон	5,3±0,05	24±1,8	63±1,14	147±2,12	188±2,84	217±2,95	0,997
2	Пионер	6,7±0,09	21±1,05	60±1,14	131±2,33	192±2,92	212±2,88	0,991
3	Кинриу	4,6±0,05	19±1,05	54±1,11	126±2,26	194±2,92	206±2,81	0,987
4	Победа х Пионер	2,8±0,02	20±1,06	58±1,13	134±2,35	190±2,87	208±2,82	0,986
5	Тожикистон уруғсиз тути (қиёсловчи)	1,2±0,01	9±0,61	21±1,00	89±1,21	102±1,27	124±1,42	-

Минерал ва маҳаллий ўғитларни ўсимликнинг баргига, бинобарин унинг ривожланишига, новданинг узунлигига таъсирини нав ва дурагайлар ўртасидаги фарқ орқали билиб олиш мумкин. Биринчи уч муддатда новдаларнинг ўсиш динамикасида навлар ўртасида катта фарқ бўлмаган (25-май, 25 июнь, 25июль) бироқ 25 августдан бошлаб, Ўзбекистон навида бошқа нав ва дурагайларга нисбатан новдаларнинг ўсишида катта фарқ кузатилди.


**Тут навларни вегетация даври якуни бўйича таққослаш
(2015-2018 йй.)**

№	Тут дарахти навлари ва дурагайлари номи	Ўсимликнинг ўртача узунлиги, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, см	Илдиз бўғзининг йўғонлиги, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, см	Ҳар бир ўсимликда барг сони, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, дона	Pd
1	Ўзбекистон	251±2,95	1,89±0,04	83,3±1,18	0,991
2	Пионер	252±2,98	1,94±0,06	63,0±1,14	0,994
3	Кинриу	242±2,84	1,97±0,09	69,1±1,15	0,987
4	Победа х Пионер	243±2,86	2,01±0,11	54,0±1,11	0,986
5	Тожикистон уруғсиз тути (киёсловчи)	121±2,27	1,31±0,01	37,0±1,01	-

Натижалардан кўришиб турибдики, ҳалқаланган тут қаламчасининг тез ва сифатли ҳосил қилишига такрор айтилган сўзлар бўлса ҳам энг аввало тайёрланган қаламчаларнинг бир йиллик новдаларни қайси қисмидан ва қайси тут навлари ёки дурагайлاردан тайёрланганлигига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Бунинг исботи сифатида, профессор К.Раҳмонбердиевнинг назарий ва амалий ўтказган тажрибаларида бир йиллик новданинг пастки ва ўртасидаги қисмидан олинган ҳалқаланган қаламчалар ўз самарасини берганлигини ўзининг илмий тадқиқот ишларидаги натижаларида қайд этган (8-жадвал).


8-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон нави билан Пионер нав ўртасида фарқ кам, шунингдек Кинриу нави билан Победа х Пионер дурагайининг ҳам ўсиш жараёнида ўхшашлик бор. Бироқ, Ўзбекистон, Пионер билан Кинриу нави ва Победа х Пионер дурагайининг ўртасида катта фарқ бор. Бинобарин, илдиз бўғзининг йўғонлиги барча ўсимликларда деярли бир хил, бир-бири билан кам фарқланди (2015-2018 йй.)



1-расм. Тут навларни вегетация даври якуни бўйича таққослаш

**Тажрибадаги ҳалқаланган қаламчаларнинг ўсиш кўрсаткичлари
(2015 -2018 йй.)**

№	Тут дарахтини нави ва дурагайларини номи	Қаламчадан униб чиққан кўчатларнинг ўртача узунлиги						Pd
		25.05	25.06	25.07	25.08	25.09	25.10	
		$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	$\bar{X} \pm S\bar{x}$,	
1	Ўзбекистон	8,0±0,08	36,0±0,21	81,0±0,49	192±2,94	217±2,96	251±2,96	0,997
2	Пионер	5,7±0,04	32,5±0,19	76,0±0,32	188±2,87	230±2,99	252±2,92	0,991
3	Кинриу	6,1±0,06	29,0±0,17	69,0±0,27	187±2,84	225±2,92	242±2,84	0,989
4	Победа х Пионер	4,5±0,04	30,0±0,18	69,5±0,25	189±2,91	227±2,90	243±2,89	0,986
5	Тожикистон уруғсиз тути (қиёсловчи)	2,5±0,02	18,0±0,08	46,5±0,12	124±2,24	184±1,81	192±1,62	-




2-расм. Тажрибадаги ҳалқаланган қаламчаларнинг ўсиш кўрсаткичлари (2015 -2018 йй.)

1-тажриба пайкали билан 2-тажриба пайкали (3-4 км оралиғи) қаламчасидан етиштирилган кўчатларнинг ўсишини таҳлил қилганимизда бир участкадаги экилган қаламчадан униб чиққан кўчатлар 2-тажриба майдонида униб чиққан кўчатларга нисбатан таққослаганимизда паст кўрсаткич кузатилган. Демак, кузатувдан маълум бўлишича бир хил миқдорда ўғитлашдан катъий назар тупроқдаги бир-биридан ажралиб турадиган ўғит бирликларига, макро ва микро элементларнинг боғликлиги ҳам муҳим эканлиги аниқланди.

Иккинчи худудда экилган ҳалқаланган қаламчаларнинг униб чиқиш кўрсаткичлари (2015 -2018 йй.)

№	Тут дарахтининг нави ва дурагайларини номи	Экилган қаламча сони, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, дона	Илдиз олган қаламчалар, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, дона	Унувчанлиги, $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Pd
1	Ўзбекистон	100	84±0,35	84±0,36	0,989
2	Пионер	100	87±0,39	87±0,41	0,998
3	Кинриу	100	81±0,31	81±0,32	0,994
4	Победа х Пионер	100	58±0,18	58±0,25	0,991
5	Тожикистон уруғсиз тути (қиёсловчи)	100	27±0,09	27±0,07	-



3-расм. Ҳалқаланган қаламчаларнинг униб чиқиш кўрсаткичлари (2015 -2018 йй.)

Олинган тажриба кўрсаткичларига асосан Ўзбекистон (84 фоиз) ва Пионер навининг унувчанлиги (87 фоиз) юқори бўлган, Кинриу навининг унувчанлиги (81 фоиз) яхши, Победа х Пионер дурагайини унувчанлиги (58 фоиз) паст бўлган. Юқорида баён қилганимиздек, тупроқдаги озик моддалар қаламчаларнинг униб чиқишига кескин таъсир ҳар ерда унувчанлик даражаси ҳар хил бўлгани тупроқдаги озик моддаларнинг ва ташқи муҳит омилларини навларга таъсир қилишидир. Яна бир маълумот қаламчаларнинг экиш учун танланган жой қуёшнинг текис тушишини таъминлаш мақсадида жануб ва ғарб томонга экилганда олиб борилган илмий тадқиқот ишида ва фенологик кузатишда қуйидагилар маълум бўлди (9-жадвал).

**Хоразм вилояти тупроқ шароитида ўстирилган тут кўчатлари
баргининг кимёвий кўрсаткичлари ва таркибидаги моддалар
миқдори (2015-2018 йй.)**

т/ р	Йил давомида тут кўчатини менерал ўғитлар билан озиклантириш миқдори (га хисобида)			100 грамм хўл баргда					100 грамм қуруқ моддадаг и углевод миқдори
	Азот N ₂ O кг	Фосфор P ₂ O ₅ кг	Калий K ₂ O кг	Биринчи давдаги намлик	Гигроскопи к намлик	Умумий намлик	Қуруқ модда	Углевод миқдори	
1	Кўчат униб чиққандан бир ой ўтгач			64,82	3,13	67,95	32,05	3,96	12,37
	60	45	30						
2	Биринчи ўғитлашдан бир ой ўтгач			64,48	3,16	67,64	30,35	4,41	14,53
	60	45	-						

Адабиётлар шарҳидаги ва тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлардан маълумки, калийли ўғит қишлоқ хўжалик экинларига ишлатишдан мақсад, уларнинг азотли, фосфорли, калийли, протеин ва ёғ моддаларининг кўпайишини кузатиб боради. Азотли, фосфорли, калийли ўғитларни йил давомида тўпланган захира бирлиги ҳисобига сақлаб туради.

ХУЛОСАЛАР

1. Хоразм вилояти шароитида тутнинг “Ўзбекистон” ва “Пионер” навларидан олинган қаламчаларни ўсиш динамикасига минерал ўғитларни ижобий таъсир кўрсатиши исботланди. (“Пионер” навида 131±0,32 см ва “Ўзбекистон” навида 1,47±0,42 см).

2. Хоразм вилоятининг экстремал шарт-шароити учун қаламчаларни ҳалқалаш усулида экилган ҳар 100 дона қаламчалардан 72-85 дона қаламчалар униб чиқишини таъминлаш мумкинлиги аниқланди. (назоратга нисбатан 323-400%).

3. Ноқулай об-ҳаво муҳитида танлаб олинган тут навлари ва дурагайларида ҳосил бўлган ёш новдаларни ўсиш динамикаси бўйича вегетация даври якунида назоратга нисбатан 82-93 см га ва навданинг илдиз бўғизи йўғонлиги 0,58-0,70 см га ошишига эришилди.

4. Тут навлари ва дурагайларининг қаламчалар унувчанлигини турли даражада намоён бўлиши “Ўзбекистон” навида (82,0%), “Пионер” навида (87,0%), “Кинриу” навида (81,0%), “Победа х Пионер” дурагайида (58,0%), қиёсловчи вариант “Тожикистон уруғсиз тути” навида (58,0%) тупроқ структураси ва ташқи муҳит омиллари ҳамда тут навлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини исботлайди.

5. Ҳалқаланган қаламчалардан олинган кўчатлар иккинчи йилдаёқ назоратга нисбатан 86-129 см гача ўсиши ва танасининг бўйи 9,6-22,6 см га юқори бўлиши тажриба натижаларида тасдиқланди.

6. Ҳалқаланган ва ҳалқаланмаган қаламчаларни 45⁰ қияликда экиш усулига нисбатан илдиз олиш даражаси 1,4-1,9 % га юқориқ бўлишлиги аниқланди. Бунда новданинг қаламча тайёрлаш учун фойдаланиладиган қисми эвазига новдаларга ҳалқа солиш сонини камайишига эришиш мумкин.

7. Хоразм вилоятининг экстремал шароити учун тавсия этилган навдор “Ўзбекистон”, “Пионер” ва “Кинриу” навлари ҳамда “Победа х Пионер” дурагайларидан ташкил этилган бута тутзорларидан олинган барг ҳосилдорлиги 1 гектаридан қиёсловчига нисбатан 46,5-97 кг гача қўшимча барг ҳосили олиш мумкинлиги исботланди.

8. Тадқиқот натижалари асосида Хоразм вилоятининг Боғот “Агро Пилла” МЧЖ да 0,5 гектар майдонда ташкил этилган серҳосил “Ўзбекистон” ва “Пионер” тут навларини ҳалқаланган қаламчаларидан янги бута тутзор ташкил этилиб, назорат вариантга нисбатан 5500 кг ёки 15-20% кўп барг ҳосили олиниб, иқтисодий самарадорлик 2750000 сўмни ташкил этиши ўз исботини топди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНО СОВЕТА
PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУРБАНОВ ИБРАГИМ

**НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ ВЫСОКОУРОЖАЙНОЙ
МУЛЬЧИ И ШЕЛКОВИЦЫ В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.02.04 – Шелководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ
НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Qx593.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ziyonet.uz), а также в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Беккамов Чоршанби Исмаилович
кандидат сельскохозяйственных наук,
доцент

Официальные оппоненты:

Исматуллаева Дилором Адиловна
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с

Жуманиёзов Мансур Шомуродович
Доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD)

Ведущая организация:

**Научно-исследовательском институте
животноводство и птицеводство**

Защита диссертации состоится «12» Ноябрь 2020 года в 10⁰⁰ ч. на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференцзал)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером № _____). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Здание ИРЦ ТашГАУ, 1-этаж. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №... от «__» _____ 2020 года).

Ш.Р.Умаров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

У.Т.Данияров

Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

М.И.Аширов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день практически почти во всех государствах мира растут множество видов тутовника, однако в более 20 странах размножают сорта и гибриды тутовника, которые используют для кормления тутового шелкопряда. «...в мире, в частности в Китайской Народной Республике 85-90 процентов сортовых саженцев тутовника размножают вегетативно, в Индии – 75-80 процентов, в Японии – 98 процентов, в Узбекистане – 4-5 процентов»¹³. В целях укрепления кормовой базы шелководства требуется вывести новые высокоурожайные, питательные сорта тутовника и организовать работы, исходя из природно-климатических условий, по их размножению в разрезе территорий. Создание в фермерских хозяйствах интенсивных тутовых плантаций за счет новых высокопродуктивных сортов тутовника с высокими хозяйственно-ценными признаками имеет важное научно-практическое значение.

В научных учреждениях ведущих государств мира, где развита шелководческая наука, рационально используя генетические ресурсы тутовника, ведутся научно-исследовательские работы по выведению высокоурожайных, питательных, соответствующих различным климатическим условиям сортов тутовника и созданию на их основе интенсивных и кустарниковых тутовых плантаций путем эффективного применения *in-vitro* (молекулярной генетики) и методики селекции прививки. В результате внедренных селекционных работ удалось вывести сорта и гибриды тутовника, химический состав которых подходит для кормления тутового шелкопряда и которые устойчивы различным экстремальным климатическим условиям.

Действительно, на сегодняшний день в нашей стране осуществляются широкомасштабные работы по развитию кормовой базы тутового шелкопряда, созданию и внедрению в производство новых сортов тутовника с высокой питательностью для гибридов тутового шелкопряда. Наряду с этим, исследуя соответствие сортов тутовника местным почвенным и природно-климатическим условиям земельных участков, выделенных в разных регионах республики, их укоренение, механизм влияния на произрастание и динамику роста сортовых тутовников, а также получаемую урожайность листьев, требуется дальнейшее развитие научных работ по повышению эффективности их внедрения, а также уделение должного внимания на внедрение в производство новых прогрессивных технологий.

В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы уделено особое внимание на развитие сельского хозяйства, особенно шелководства и повышение его экспортного потенциала⁴. В этом

³ www.worldatlas.com

⁴ ПФ-4947-от 07 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

плане приобретает особое значение укрепление тутоводства – кормовой базы тутового шелкопряда как стержня шелководства, увеличение с учетом природно-климатических условий территорий новых кормовых сортов и гибридов тутовника с высокими хозяйственно-ценными признаками, питательность которых будет соответствовать кормлению тутового шелкопряда, а также внедрение в производство инновационных научных разработок и интенсивных агротехнологий.

Результаты исследований данной диссертационной работы в определенной мере служат осуществлению задач, намеченных в постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2856 “Об организации деятельности ассоциации Узбекипаксаноат” от 29 марта 2017 года и ПП-4567 “О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в отрасли шелководства” от 17 января 2020 года, а также постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №616

“О программе мер комплексного развития шелководческой отрасли в 2017-2021 гг.” и в других нормативно-правовых документах, относящихся шелководству.

